IQTIDOR AUDIT INFORM

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
“IQTIDOR-AUDIT-INFORM”
MA‘SULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
AUDITORLIK TASHKILOTI

100022 Toshkent sh., Qushbegi ko‘ch, 18 uy, Tel: 250-60-64
p/c 2020 8000 2047 0802 1001 ХАТБ Даврбанк Чиланзарский фил. МФО 01046 ИНН 206952776 ОКОНХ 84400 ОКЭД 69201

# МУСТАҚИЛ АУДИТОР ҲИСОБОТИ

Тошкент шаҳар 2020 йил 22 июн

| | |
|---|---|
| **Аудиторлик хулосаси йўлланди:** | «Омад Суғурта» Масъулияти Чекланган Жамияти<br>Ташкент шахри, Яккасарой тумани, Бобур 77 уй.<br>х/р: 2021 6000 0050 9356 5001,<br>"Асака" ДАТ Банкининг Автотранспорт филиали.<br>**МФО: 00417,**<br>ИНН: 306 514 613, *ИФУТ*: 65 12 0<br>телефон: *(95) 341 71 71.* |
| **Аудиторлик хулосаси тузилди:** | МЧЖ «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» АТ<br>Тошкент шахар, Яккасарой т-ни, Кушбеги куча 18 уй.<br>**х/р 2020 8000 2047 0802 1001,**<br>ХАТБ «Даврбанк» Чилонзор филиали,<br>МФО: 01046;<br>ИНН:206952776; ОКЭД: 69201.<br>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 18 майда берилган 00718-сонли лицензия<br>телефон: (+99871) 250-60-64. |

Биз « «Омад Суғурта» Масъулияти Чекланган Жамиятининг 2019 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

*Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги*

Компания рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

*Аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона

ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

***Фикр***

Бизнинг фикримизча, «Омад Суғурта» Масъулияти Чекланган Жамиятининг 2019 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

**«IQTIDOR-AUDIT-INFORM»**
**МЧЖ Бош директори:** **Назиркулов Ф.К.**

**Аудитор:** **Халкулов З. У.**